

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 85 (10.390)

2005 ЙИЛ 2 МАЙ

## МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

**XVI сарфоси**  
Барча мактаблардан  
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш борасида кенг қўлмалли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган узлуksиз таълим тизимининг асосий қисми — умумий ўрта таълим соҳасини замон талаблари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори шу мақсадга қаратилган.

Халқ таълими вазирлиги 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникасининг давлат буюртмасини ишлаб чиққан ва умумтаълим мактабларини жорий йилда жиҳозлаш бўйича тендер эълон қилган эди. Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да очилган мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжомлари тендер-танлови кўргазмасида маҳсулотининг сифати, ташқи кўриниши, дизайни, нархи каби кўрсаткичлар бўйича мақбул топилган 47 корхона ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашмоқда.

Хабар берилганидек, Президент Ислом Каримов 29 апрель куни ана шу кўргазмага ташриф буюрди. Унда намойиш этилаётган барча фанлар бўйича кабинет жиҳозлари, компьютер, лингофон, маънавият, расм-чизмачилик синфлари, меҳнат устаноналари, кутубхона, мажлислар зали ва ошхона мебеллари, спорт анжомлари билан танишди.

— Бундай тендери кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад мак-

таб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қулайлиги, дизайни борасидаги талаб ва таклифларни пухта ўрганиш имконини яратишдир, — деди Юртбошимиз. — Замоनावий мактаблар барпо этиш, мавжуд мактаб биноларини капитал ёки жорий таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга таълим-тарбия ишларининг маъномазмунига эътиборни кучайтириш, мактабларни замоनावий жиҳозлар, мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар, спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш учун бир триллион 200 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Жорий йилда ана шу маблағнинг 450 миллиард сўмлик қисмини сарфлаш белгиланган. Шундан 42 миллиард сўм мактаб анжомлари учун мўлжалланган.

— Мактаб жиҳозларини танлаш ва мақбулини харид қилишда энг асосий буюртмачи ўқувчилар, ўқитувчилар ва

миллий таълим фидойиларидир, — деди Ислом Каримов. — Масаланинг ҳар бир жиҳатига уларнинг кўзи билан қараб, хулоса чиқармоқ даркор. Бу борада халқимизнинг «етти ўлчаб, бир кес» деган нақлига амал қилиш айна мудаодир.

Янги қуриладиган ва таъмирдан чиқариладиган мактабларга замоनावий жиҳозларни танлашда дунёнинг илғор мамлакатлари мактабларидаги тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини Президентимиз алоҳида таъкидлади. Шундагина ёш авлод замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва бўлмаймиз ҳам деган эзгу ширимизни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун зарур имкониятлар яратган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқитувчилар, таълим соҳаси фаоллари, маҳсулотлари намойиш этилаётган фирма ва корхоналар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Фулум МИРЗО,  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Савдо — иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия қўшма комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг қатор вазирликлари ва савдо-саноат доиралари вакиллари иштирок этди.

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова ва Австрия Федерал иқтисодиёт ва меҳнат вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар департаменти бош директори Йоханн Захс мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечаётганини, уни янада ривожлантириш учун томонлар етарли салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ва Австрия ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг кўп йиллик тажрибасига эга. Ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳамфикрлик таъминлашга асосланган. Австрияда Австрия сармояси иштирокида ташкил этилган ўттизга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётди. Ундан зиёд Австрия фирма ва компаниялари ўз ваколатхонасини очган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 11 апрелда эълон

қилинган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ўзаро сармоявий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Австрия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, икки томонлама савдо ҳажмини ошириш, тўқимачилик, озик-овқат саноати, халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида биргаликда янги сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалаларни муҳокама этди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Австриянинг савдо-саноат палаталари ва ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорликни янада мустахкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА Сатраф

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетиди «Ўзбекистон-Ватаним маним» туркумидаги Самарқанд маданияти кунни байрам дастури бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улугбек информатика касб-хунар коллежиди **ЎТГАН** кунни Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида академик ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий-баддий тадбир «Ойбек — назм ва наср устаси» деб номланди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги 300-мактабда Сергели туманидаги мактабларнинг «Камалак» сардорлари иштирокида ўтказилган расмлар кўрик-танлови «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Акмал Икромов туман ҳокимлигида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида «Кувноқлар ва зуққолар» интеллектуал ўйинининг финал босқичи ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини қонунчилик жиҳатидан таъминлаш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Дам олиш оромгоҳларида маданий-маърифий ва тарбиявий масалалар» мавзусига бағишланган конференция уюштирилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг асосий омиллари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Жиззах шаҳрининг «Истиклол» болалар боғида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари Республика анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

● «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида кўзда тутилганидек, Фарғона шаҳрида иختисослашган MDS-Servise клиникаси иш бошлади. Клиника амбулатория-поликлиника муассасаларининг янги шакли бўлиб, бу ерда доволашнинг юқори малакали маслаҳат-ташхис ва бошқа турлари қўлланилади.

● Вобкент туманида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда иштирок этган 20 нафар фуқаро доимий ишга жалб қилинди.

## Жаҳонда

● Кеча бутун жаҳондаги православлар Пасха байрамини нишонлашди.

● Ироқ парламенти аъзолари Иброҳим Жаъфрий томонидан тақлим этилган Вазирлар Маҳкамаси рўйхатини тасдиқлашди. Бироқ ҳалигача еттига вазирнинг ўрни бўш турибди.

● Перунинг Писко музофотида ҳарбий машқ ўтказилаётган пайтда ҳарбий самолёт ҳалокатга учради. Ушбу фожеали ҳалокат натижасида 13 нафар аскар ҳаётдан кўз юмди.

● Косоводаги юзлаб албанларнинг ўлимига дахлдорликда гумон қилинаётган собиқ Югославия армиясининг генерали Небойша Павкович Гаага трибунали томонидан ўзига нисбатан эълон қилинган айбловларнинг барчасини рад этди.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

## ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бугун халқимиз тинч осмон остида яшамоқда, лекин 60 йил аввал тутган Иккинчи жаҳон урушининг акс-содоси ҳамон одамлар қалбида сақланиб турибди.

Инсоният тарихида энг қиргинбарот урушда ўз жонини аямай, душман устидан ғалаба учун қаҳрамонона жанг қилганлар орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эди. Уларнинг жасорати хотирамизда абадий қолади.

Ҳозир ҳам уруш фахрийлари биз учун нафақат матонат, мардлик, ўз Ватанини ҳимоя қилиш, виждонан меҳнат қилиш тисмоли бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ғалабанинг 60 йиллиги ҳамда халқимиз 9 май куни нишонлайдиган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган учрашувда шу ҳақда сўз борди.

Тадбир Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан рус маданият маркази ва «Росзарубежцентр»нинг мам-

лакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда уруш фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахт олий ўқув юртлири талабалари иштирок этди.

«Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғу асбоблари камер оркестри томонидан тайёрланган мусиқий-шеърлий композиция кеча дастурини янада бойитди. Тадбирда уруш йиллари кўшиқлари, Ғафур Ғулом, Зуффия, Туроб Туланинг жангчиларимиз қаҳрамонликлари тўғрисидаги шеърлари, шунингдек, дунё халқларининг фашизмга қарши ашуллалари ижро этилди.

Мазкур кеча ташкилотчилар Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ўтказатган ҳамкорликдаги тадбирлар дастурининг бир қисми бўлди.

ЎЗА

Ҳўш, шундай экан, бугунги куннинг истеъмолчиси қандай бўлмоғи керак? У ўзининг истеъмолчи сифатидаги ҳақ-хуқуқларини яхши тушунадими? Қабилдаги саволларнинг туғилиши аниқ. Тўғри, кечаги кун биз учун аччиқ сабоқлар берди. Шу боис ўсиб келаётган ёш авлоднинг руҳиятида кунунга мойиллик, унинг устувор моҳиятини тўғри тушуниш,

қарорда кўзда тутилган талабларнинг ижросини ҳам таъминлашдан иборатдир.

Айтиш жоизки ушбу кўрик-танловларнинг илк босқичи умумий ўрта таълим мактабларида жорий йилнинг 1-апрелидан 10 апрелигача, 2-босқич беллашувлари туман, шаҳарлар доирасида 10 апрелдан 20 апрелгача, 3-босқич беллашувлари эса вилоятлар миқе-

ридаги энг билимдон, энг истеъдодли ёш истеъмолчиларни аниқлаб бериши зарур эди. Маълумот ўрнида шунга таъкидлаш жоизки, танловнинг биринчи мактабларо босқичида 6221 нафар, иккинчи туманларо босқичида эса 514 та ўқувчи ўз имкониятларини синаб кўрди.

Иштирокчилар танлов Низомига кўра учта шарт бўйича беллашдилар. Илк шартга кўра уч дақиқа мобайнида ўзлари таълим олаётган мактаб, яшаётган жойи, шiori, кўкрак нишонини таърифлаши зарур бўлди ва у «Иштирокчи табриги» деб номланди.

Бу босқич иштирокчиси 10 баллик баҳолаш мезони билан баҳоланди. Навбатдаги шартга кўра катнашувчилар «Ижодий топширик» деб номланган синовда саволларнинг биринтасига сахнанинг ўзидеъж жавоб бериши зарур бўлди. Охириги «Тест топшириклари»да иштирокчилар истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш кунчилиги доирасидаги 15 та тест саволларига жавоб қайтаршди.

Нихоят 9 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ғолибларни аниқлади. Унга кўра биринчи ўринга Миробд туманидаги 94-мактаб ўқувчиси Кадша Ибраева лойиқ деб топилди. Иштирокчининг ҳар уччала шарт бўйича имкониятлари юқори баҳоланди ва унга «Royson» телевизори тақдим этилди. Иккинчи ўрин соҳиби Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб ўқувчиси Гулбахор Гапирова «LG» русумидаги видеомагнитофон, учинчи ўринни банд этган Яккасарой туманидаги 118-мактаб ўқувчиси Дилруҳ Темуралиева «LG» русумидаги аудиомагнитофон ва кимматбаҳо совғалар топшириди.

Мазкур танловнинг шаҳар босқичи ёшларнинг юқори билим ва савияларини бир қарра синовдан ўтказган бўлса, эндиликда I ва II ўринларни кўлга киритиш бахтига муяссар бўлган ғолиблар яқин кунларда бўлиб ўтадиган Республика босқичида ўз иқтидор ва истеъдодларини ва истеъмолчи хуқуқи ҳамда маданиятини қай даражада ўзлаштирганликларини асосий синовдан ўтказишди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Муноҳаза, муноҳаза

## КўНГИЛДАГИ ҒАПЛАР

### ҲАЗИЛ САМИМИЙ БЎЛСИН

Ҳазилнинг тури кўп, лекин халқимиз самимий, дилдан чиққан ҳазилни ёқтиради. У шу қадар беозор бўлиши керакки, ундан ҳар икки томон ҳам мириқиб қулсин. Қачонки, ҳазилга қитмирлик ёки ёлғон аралашса борми, демак у қуюшқондан чиқади. Бундай ҳазил кишига ҳушқайфият бағишлаш ўрнига кўнгилисизликка олиб келади.

Ҳақинда ҳазилкаш курсдошларимиздан бири—Азизбекни учратиб қолдим. У билан бир пиебла чой устида суҳбатимиз қизиди. Бир-биримиздан узок кўришмаган дўстларимизни, таниш-билишларни сўраб-суриштира кетдик.

— Муродни кўриб турибсанми? — сўрайман ундан.

— Юрибди, эшак миниб, — дея ҳиринглаб кулди Азизбек.

— Нега?

— Эшитмадингми, ҳозир у чўпонлик қияпти.

Институтда ўқиб юрган пайтларимизда орамизда энг билимдон ва иқтидорли бўлган дўстимизнинг касбини ўзгартариб чўпонлик қилиши мени ҳайратга солди. Ишониб, ишонмай Азизбекка «ҳазиллашма» десам, у мени қатъий ишонтириб «йўқ чиндан» деб турибди.

— Салимани биласан-а? Ҳов ўшачи? Лўли йигитга турмушга чиқибди,— дейди у мени яна танг аҳволга солиб.

— Одилчи, у юрибдими ишқилиби?

— Ие, наҳот беҳабар бўлсанг, кеча машина ҳалокатида учраб вафот этдику. Ҳозир унинг таъзиясидан келяпман.

Ичимдан зил кетдим. Талабалик йилларимда бир майизни тенг бўлиб еган кадрдоним вафот этган бўлса-ю, наҳот мен беҳабар қолсам.

— Бугун кеч бўлди, эртага уйига бориб фотиҳа ўқирсан деди Азизбек ишайиб. Менга хабар қилмагандан хафа бўлиб Азизбекдан нолисам у:

— Мен қайдан билай, сен аллақачон ўша ерда бўлсанг керак деб уйлагандим,— деди.

Нохуш ажралишдик. Кечаси билан туриб Хаёлларга бориб, ухламай қичдим. Эртасига барвақт туриб Юнусободдан Чилонзор томон Одилларниқига йўл олдим. Автобусдан тушиб унинг уйи томон бурилсам, рўпарамдан Одилнинг ўзи келяпти. Уни кўриб бутун вужудим қақшаб кетди. Азбаройи ўлган дўстимни тирик кўриб ҳайратда қолганимдан у билан кучоқлаша туриб йиғлаб юборибман...

Энди сиз айтинг хурматли муштарий, шунга ҳазил деб бўлади-ми? Ахир бу бориб турган нодонлик эмасми?

Ўша кунга «ҳазилкаш дўстим» Азизбекни кўрсам унга дейишни дилимга тугиб қўйдим.

Аҳмаджон ХОЛИКОВ

### ЭСКИ ОФИЗДАН «ЯНГИ ҒАП»

Албатта бу мавзу ҳечким учун янгилик эмас, қайта-қайта чайналган ғап. Лекин шунга қарамай бу борада ҳали кўнгилдаги натижага эришмаган эканмиз, мавзуга яна қайтишга мажбур бўламиз.

Агар бугун «туғруқхоналардаги хизматдан мамнунмисиз?» деган савол ўртага ташланса, ишончимиз комилки, унинг жавоби кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Албатта бу соҳа тиббий хизматчилари биздан хафа бўлишмасин, улар нақадар ўз касбига фидойи бўлишмасин, лекин оқ халатга доғ туширмай меҳнат қилаётган бу инсонлар орасида ҳамон гурч орасидаги қурмаклар учраб турганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Баъзи туғруқхоналарда совға-саломга ўч шифокорлар, беморнинг ҳолидан хабар олгани келган яқинлари қўлига қараб, улар билан жавоб бўлмала қиладиган ҳамширалар учраб турганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Ҳатто туғруқхонага муолажа ёки кўзи ёриш учун келган аёлларнинг туриш-турмушига, оиласининг топармон-тутармонлигига қараб, унга тиббий хизмат кўрсатишни ўз ҳомиёлигига олишга ҳозир нозир турган шифокорлар учраб туриши ҳам ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайдиган ҳолат.

Келинг, энди бир муноҳада қилиб кўрайлик. Умуман тиббий муассаса, хоҳ у туғруқхона, хоҳ касалхона бўлсин, чор ночор, шифога муҳтож бўлиб келган беморнинг қўлига қараб, унга тиббий хизмат кўрсатиш инсофдонми?

Бизнингча, ўз касбини қадрлайдиган, инсон саломатлиги йўлида чинакам фидойи бўлган шифокор бундай иллатдан ҳоли бўлади.

Насиба ОЛИМОВА

### НОХУШ ҲОЛАТ

Шаҳримизда ободончилик ишлари қизгин бораётган бир паллада баъзи жойлардаги тартибсизликларни кўриш ҳар қандай одамнинг гашини келтиради. Яқинда хизмат ўзасидан шаҳримизнинг Фитрат кўчасида бўлишимизга тўғри келди. Кўчанинг туғруқхона бекатида автобус кўтди. Аксига олиб бу ердан ғирра-ғирра ўтадиган 55, 61, 106-автобуслар ҳадеганда келавермади. Ўтирай десанг шундай катта бекатда ўриндик йўқ. Бунинг устига бу жойдаги сомон ҳам ночор аҳволда.

Бекатда анчадан бери ишламай турган хусусий дўконча бор. Бир вақтлар кимдир уни яхши ният билан қурган. Йиллар ўтиб тайёр ишлаб турган дўкон бузилмайдиган бўлди шекилли, дастлаб унинг эшик ва ромлари кўчирилди. Лекин иш охирига етказилмай чала ярим ҳолатда қолиб кетди. Ҳозир тайёр дўкон кимлар учундир ахлатхона вазифасини ўтаб турибди.

Албатта бу бир мисол, лекин афсуски бундай нохуш манзара шаҳримизнинг турли бурчакларини кезган киши онда-сонда бўлсада учратади. Бу гапни айтишдан мақсад эса битта. Тобора обод бўлиб бораётган Тошкентдек шаҳри азимимизда биронта ҳам юқоридаги каби чипта ямоқ кўзга ташланмаса дейми.

Эсон КОДИРОВ

Қонун ва ижро

## ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР: УЛАР ЗУККО БЎЛИШЛАРИ ШАРТ

Дунё яралгандан бери инсоният эҳтиёжлар қуршовида яшайди. Кундалик ҳаётда эса ўзимиз истаган ёки истамаган ҳолатларда истеъмолчига айланамиз. Ана шу ҳаётий зарурат туфайли бу борадаги билим ва кўникмаларимизни доимо тўлдириб, билишимиз зарур бўлган малакаларга эга бўлиб бугунги куннинг долзарб талабларидан бири.

вазифадардан бериدير.

Албатта, бу борада бир қатор ҳуқуқат қарорлари, қонун ҳужжатлари қучга кирган. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунини истеъмолчиларнинг нафаатларини таъминлашда ва ҳимоя қилишда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг хуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш борасида муҳим ўрин тутмоқда. Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2003-2004 ўқув йилларидан бошлаб Республикамининг барча таълим муассасаларида истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги махсус курслар киритилиб, ўтган йилнинг 5 майдан бошлаб эса Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорликда «Энг зукко ёш истеъмолчи» мактаб, туман, шаҳар, вилоят, республика босқичларидаги кўрик-танловлар ўтказилиб келаётгани ҳам нур устига аъло нурдир.

Мазкур тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад юқорида қайд этилган қонун тарғиботини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

сида 20 апрелдан 30 апрелгача ўтказилди. Кўрик-танлов иштирокчилари ғолиблик йўлида ўзаро курашдилар ҳамда 1, 2-ўринларни кўлга киритган иштирокчилар юқори босқичларда қатнашиш хуқуқини кўлга киритишди. Бундан ташқари уччала босқич кўрик-танловлари яқунларига кўра қўшимча равишда бир нафар «Энг зукко истеъмолчи» ҳамда 3 нафар «Энг яхши ташкилотчи» номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди.

Куни кеча Республика миллий матбуот марказида мазкур тадбирнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Шаҳар халқ таълими бош бoshқармаси, шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бoshқармаси, шаҳар истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда пойтахт туманларидан ташриф буюрган 22 та иштирокчи ўзларининг истеъмол маданияти, бу борадаги мавжуд қонунчилик, ички истеъмол бозорида паст сифатли, истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғига жиддий ҳавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш борасида нечоғлик билим ва малакаларга эга эканликларини амалда намойиш этишди.

«Энг зукко истеъмолчи—2005» номи остида ўтган кўрик-танлов ўз моҳият этибори билан пойтахт туманла-



Шарқ дурдоналари



● **Хикмат.** Киши саҳи душмандан сақлангандан кўра ҳақсиз дўстдан асрангани яхшидир. Байт:

**Хар кимсада бўлса қабих бир одат, Бу одатни қилар бир кунни такрор.**

● Ҳақсиз дўстдан асрангани яхшидир. Байт:

● Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.

● Саломатликнинг қадри кетгандан сўнг билинади.

● Бир табиб бир одамнинг олдиға келиб:

— Мен сенга учта нарсани олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимайди! — деди.

— Улар нималар экан? — сўради улуғ киши.

Табиб баён қилиб деди:

— Сочни бўяйдиган рангики, у билан сочингни бир бор бўйсанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисиники, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай кўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилқалаб ташлайди.

— Учинчиси шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йилгитлик айёминг қайтиб келади!

Табиб сўзини тугатгач, улуғ киши унга қараб деди:

— Сен олиб келган соч бўёғи алдос жося, мағрурлик нишончаси, қариғанда ёшларнинг қилиғини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга олишмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен қўриққан овқатни еверадиган одамлардан эмасман. Еганда ҳам ошқороним ҳазмига оҳиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори хою ҳавасга берилган аҳмоқ одамларга керак.

Узининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдига ҳушмад ўғиртирдиган киши бахтсиз кишидир.

● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳат-фароғатда яшайи билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Ҳақсизлар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.

● Унутмагинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демоқчи эканини билиб қўймоқ фойдадан холи эмас. Унинг айтганига қарши иш тутсанг тўғри юрган бўласан.

Бир доно айтдики, агар бирор кимсаннинг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳатинг тўғри ёки нотўғрлигига қара, шундан ўзингга тегишли хулоса чиқариб оласан.

● Хар ким бирор ишнинг талабиди қадам қўйса бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақсад қазбаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳросидан қўчмаслиғи, ундаги барча говларни енгиб ўтишга интиломго даркор.

● Гийбат қабих феъллардан биридир. Гийбат қанчаллик оз бўлса-да, унинг келтирадиган зарари ва офати денгиз уммони қабидир. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чақаси, хотини, ҳулқи, бойлиги ҳақида бемаза фиксу фасод гапларни гапиришнинг барчаси гийбат ҳисобланади. Ва бу гийбатчининг ўзини ҳам балолар домига итарди.

Икки буюк алломанинг болалик йиллари бирга ўтган. Уша атрофдаги Анжорда — Оғар тарновда маҳалла болалари билан бирга чўмилишар, алоҳ, аравақаш, бозорчиларнинг отларини чўмилиштириб беришар, оқшомилари эса йилгитлиб минди-миқди, қушим боши, ботмон-ботмон, оқ теракми-қўқ терак, бекимачоқ каби уйларни йиғашар, варрак учирешар эди. «Мен Ойбек билан жузда ёшлиқдан, остона ҳатлаб кўчага чиқа бошлаган кундан ўртоқман. Маҳалламиз бир-бирига яқин эди», деб ёзади Фафур Фулом дўсти Ойбек ҳақидаги мақолада.

Ойбек бошланғич таҳсилни Дегрез маҳалласидаги эски мактабда, Фафур Фулом эса Қўрғонтеги маҳалласидаги Хасанбой домланинг мактабиди оладилар. Кейинчалик Ойбек «Намуна» мактабига, Фафур Фулом «Хайт» мактабига қирадилар. Уларнинг болалик ва ўсмирлик йиллари бирга ўтиши билан бир қаторда адабиётга ҳам кетма-кет ўз шеърлари билан чамқоқдек қириб келадилар. Уларнинг кўп хусусиятлари бир-бирига яқин ва ўхшаш эди. Икковлари ҳам ўта зеҳинли, билимга чанқоқ, ҳаракатчан, турмушдаги янгиликларга ўч ва ижодий қобилиятлари чексиз эди. Уларнинг ёзган шеър ва ҳикоялари, қиссалари ўша давр матбуотида тез-тез пайдо бўлар эди. Кўп ўтмай кетма-кет китоблари, шеърый тўпламлари чика бошлади. Шу билан бирга Шарқ муштов адабиётини мукамал билган Ойбек ва Фафур Фулом Абдураҳмон Жомий, Фузулий, Алишер Навоий, Атоий, Жомий, Нодира, Муқимий, Фуркат, Аваз Утар ўғли ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар ва бунинг натижасида кўплаб илмий мақолаларни ёзиб адабиётшунослик фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшадилар. Бирор алломанинг юбилейи бўлганда, улар ҳақида илмий конференция ёки асарларини ҳаёт эътириш бўладини барчасида Фафур Фулом ва Ойбек албатта иштирок этишарди. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказишда ва асарларини нашр этиришда ҳам икки ижодкор юбилей комиссияси таркибиди бўлиб талайгина ишларни амалга оширадилар. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганда улар биринчи лардан бўлиб Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайландилар. 1945 йилда Ойбек «Навоий» романи учун, 1946 йилда эса Фафур Фулом «Мен шарқдан келатирман» шеърый тўплами учун давлат мукофотини олишга сазовор бўладилар. Улар биргалликда 1944 йилда XIX асрнинг Қўқон холиғи ҳаётидан «Қаҳҳарий ҳусн» номли драма ёзадилар.

Фафур Фулом қадрдон дўсти Ойбек ҳақида «Ойбек — ёзувчи ва олим», «Менинг ярим асрик дўстим», «Қадрдон дўстимнинг юбилейи», «Ойбек — литературовед», «Слова об Айбеке» каби илмий мақолаларини ёзади. Фафур Фулом

ўз мақолаларида Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзар экан жумладан шундай дейди: «Аммо тан бериб айтиш керакки, Ойбек ҳаётда бардошчи, қўнгли, заҳматқаш ижодкордир. Ойбекнинг серхосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида қимом ҳақида ўхшатиш мумкин?»

Ойбекни ўзига, Ойбекага ўхшатиш мумкин. Асарларини ўқи улгуролмайсан, янги бир асар билан «мана ман» деб, рўпарангга табассум қилиб туради.

Ойбекнинг 100 йиллиги олдидан

АБАДИЙ ДЎСТЛИК

XX аср бошларида Тошкент шаҳрида ўзбек адабиётининг буюк даргаларидан Фафур Фулом ва Ойбек дунёга келдилар. 1903 йилда Тошкент шаҳрининг Қўрғонтеги маҳалласида Фафур Фулом туғилган бўлса, 1905 йилда Говкуш маҳалласида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллуд топган. Тошкентнинг қадимги маҳаллаларидан бўлган бу жойларнинг бири Хадра майдонининг ўнг тарафида, иккинчиси эса чап тарафида жойлашган эди. Бу ҳақда Фафур Фулом шундай дейди: «Тошкентда Хадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб, бир доира чизсангиз, эски Қўрғонтеги, Қўрғонтеги, Дегрез, Говкуш ва Девонбегги маҳаллаларини ичига олган доира ҳосил бўлади. Шу маҳаллаларда Ойбек (Мусо), Зиё Саид, Ойдин, Файратий (Абдураҳим), академик, фан доктори Аскарров, фан доктори Наҳиддинов, Аббор Ҳидояттов, мен ва бошқалар туғилганмиз».



Қандай яхши, яхши...

Ойбек 1960 йилда Хитойга бориб келди. Шунда Фафур Фулом дўстига атаб ижодий бир ўртоқлик ҳазили бўлган қуйидаги тўртликни ёзади.

**Мусо Ойбек бориб келди Чинмо-чинга, Биздан салом топширгандин сўнг Божинга.**

Бир зўр повесть ёзган эмиш у починга. Чикса керак бу миш-мишлар энди чинга. Ҳақсиз эди Ойбек ҳам 1934 йилда Фафур Фулом ҳақида маъруза қилган. Шу маъруза асосида Фафур Фуломнинг «Танланган асарлар»ига кириш сўзи тайёрлаган. Кейинчалик «Уч жанр ёзувчиси» сарлавҳаси остида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1934 йил 20 февраль сониди босилган. Ойбекнинг мукамал асарлар тўпламини «Фафур ҳақида» номли мақола сифатида киритилган. Икки дўст, икки ижодкор қобилиятларини эътироф этган ҳолда ўз мақолаларида бир-бирларига муносиб баҳо берадилар. Чунки уларнинг дўстлиғи беғубор ва самимий эди. Ҳаётдаги турли қийинчилик ёки ҳурсандчилик бўлса албатта бир-бирларига айтишар ва шу тариха аччиқ кунларни ҳам, қувончли кунларни ҳам ўртоқлашар эдилар. Қайси бирларининг китоблари нашрдан чикса албатта бириччи наватда бир-бирларига дастхат ёзиб совға қилишар эди. Бундай китобларни Фафур Фулом уй-музейида ёки бўлмаса Ойбек

Ойбек умр йўлдошлари билан биргалликда «Аджария» теллохотида Урта ер денгизи бўйлаб саёҳатга чикшишди. Улар Араб давлатларида, Италияда, Юнокистонда, Францияда бўлиб антик Юнон ва Рим маданияти намуналари билан танишадилар. Кема палубасида, Қоҳирада, Ватикан музейида, Парфенон ибодатхонаси ёнида суратга тушадилар. Ҳозирда бу фотосуратлар Фафур Фулом уй-музейида сақланмоқда. Бу сафар икки дўст, икки ижодкор учун жуда фойдали ва самарали бўлиши билан бир қаторда янги ижодий уфқлар сари чорладди. Бунинг натижаси ўлароқ янги-янги шеърлар, ҳикоялар ва бошқа асарлар дунёга келди.

Ҳа, кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоғи Тошкентдаги дастлабки уй-музейлар ҳам икки буюк сиймонинг уйларида ташкил этилган. 1983 йилда Фафур Фулом уй-музейи, 1985 йилда эса Ойбек уй-музейи очилган. Бу икки эиёраттоҳ ташкил этилган кундан бошлаб адабиёт илосмандларининг энг совимли даргоҳларида бирига айланиб қолган. Чунки бу ерларда ҳамкорликда турли адабий кечалар, шеърый байрамлари, кўрғазмалар ташкил этилиб икки буюк ижодкорнинг самимий дўстлигини аънаваный тарзда давом эттириб келмоқда.

**Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ,** Тошкент Давлат иктисодий университети «Фалсафа» кафедраси катта ўқитувчиси

тервьюда Орол инкирози нафкат Ўзбекистон муаммоси, балки бутун халқро ҳамжамятга тегишли эканини айтди. Европарламентнинг Буюк Британиядан депутати С.Стивенсон Орол инкирози Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига собиқ СССРдан мерос қолган йирик экологик фожеа эканини таъкидлар экан, Фарбдаги кўплаб кишилар Оролнинг қуриб қолиши оқибатлари ҳақида тула тасаввурга эга эмаслигини тан олди. Европарламентнинг Германиядан депутати А.Лашет Орол инкирози оқибатларини бартараф этишда Европа институтларининг ЕМТ билан ҳамкорлигининг аҳамияти юқорилигини қайд этди. Тақдимотда иштирок этган 150 дан ортиқ киши Европа парламентида Орол денгизини сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилинган фойдалли бўлганини ва мазкур тадбир халқро ҳамжамятининг ушбу масалага эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этишди.

Европарламентнинг Польшадан депутати Й.Пиниор «Жаҳон» агентлиги муҳбирига берган ин-

тервьюда Орол инкирози нафкат Ўзбекистон муаммоси, балки бутун халқро ҳамжамятга тегишли эканини айтди.

Европарламентнинг Германиядан депутати А.Лашет Орол инкирози оқибатларини бартараф этишда Европа институтларининг ЕМТ билан ҳамкорлигининг аҳамияти юқорилигини қайд этди.

Тақдимотда иштирок этган 150 дан ортиқ киши Европа парламентида Орол денгизини сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилинган фойдалли бўлганини ва мазкур тадбир халқро ҳамжамятининг ушбу масалага эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этишди.

Европарламентнинг Польшадан депутати Й.Пиниор «Жаҳон» агентлиги муҳбирига берган ин-

тервьюда Орол инкирози нафкат Ўзбекистон муаммоси, балки бутун халқро ҳамжамятга тегишли эканини айтди.

Европарламентнинг Германиядан депутати А.Лашет Орол инкирози оқибатларини бартараф этишда Европа институтларининг ЕМТ билан ҳамкорлигининг аҳамияти юқорилигини қайд этди.

Тақдимотда иштирок этган 150 дан ортиқ киши Европа парламентида Орол денгизини сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилинган фойдалли бўлганини ва мазкур тадбир халқро ҳамжамятининг ушбу масалага эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этишди.

Европарламентнинг Польшадан депутати Й.Пиниор «Жаҳон» агентлиги муҳбирига берган ин-

Бу — кизик

ХАТАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Фарбий Техасда (АҚШ) ҳар йили ов бўлиб ўтади. Бу йил ана шу овнинг 24-тури бўлиб ўтди.**

Хавфли ов мусобақасида 326 овчи қатнашиб, беш ярим тоннадан ортиқ заҳарли илонни тириклигини ушлашди. Йилдан-йилга иктисодий қийинчилик қамаймаётгани сари, оила-и боқий учун оталар ҳар қандай хатарли ишга тайёрдирлар.

БЎСА ОЛИШ ХАВФЛИ

**АҚШда олиб борилган статистика маълумотларига қараганда мамлакатда юз берадиган автомобиль халокатларининг кўпчилиги машинада бўса олиш натижасида юз беракан.**

Шу муносабат билан Нью-Йорк шаҳрида истиқомат қилаётган инженер Жон Роберт Жилберт махсус асбоб ясади ва у машинани бошқарилган ҳайдовчининг ёнидаги ҳамроҳи билан ўпишишига йўл қўймайди. Агар ҳайдовчи ёнидагисини билан ўпишмоқчи ёки хатто қўлини ушламоқчи бўлса, ўша заҳоти машина двигателининг ҳаракати автоматик равишда тўхтайд.

**ЖАЗОЛАШ ШАРТИ — САЙР ҚИЛИШ**

**Африкадаги Фил суяғи киргоғи республикасида йўл ҳаракати қондаларини бузган автомобил ҳайдовчиларини жазолашнинг оригинал йўли ишлаб чиқилган.**

Мисол учун, тезликни оширган ҳайдовчи автомобилдан тушиб икки километргега пиёда йўл юриши керак. У шунча йўлни сайр қилиб бўлган яна орқага пиёда қайтиши лозим. Шундангина унга рўлга ўтиришга рўхсат берилади.

**ГАЛАТИ ТАКСИЛАР**

Париж кўчаларида галати таксилар кўпчилигининг эътиборини тўтмоқда. Бу таксилар фақат бир кишига хизмат қўрсата олади. Янги таксилар оддий мотоцикллардан иборатдир. Ёнгирчилик кунларида эса пассажир махсус сув ўтказмайдиган қийимни кийиб олади. Транспорт хизматидаги янгилик кўпчиликка ёқиб тушмоқда. Чунки машиналар тикли турган бир пайтда икки оёқли мотоцикл-такси ўз йўловчиларини тез ва соз-истаган манзилига етказа олади.

**БАНГКОК ЧЎҚАПТИМИ?**

Мутахассисларнинг фикрича, Таиланд пойтахти аста-секин чўқмоқда. Денгиз киргоғидан 20 километр узоқликда жойлашган Бангкок Меном дарёси irmoқлари билан бевосита денгизга боғланган. Артезиан қудуқлари орқали ер ости сувларининг назоратсиз холда сўриб олиниши тўғрйли тупроқ аста-секин чўқаётгани аниқланди. Кейинги 4 йил мобайнида Таиланд пойтахти жойлашган район қатлами денгиз сатҳидан қарий 15 сантиметр чўқкан. Мутахассислар бу ҳолдан ташвишга тушибмоқда. Чунки ёнгирчилик қучайган вақтда Бангкокнинг бир қатор районлари сув остида қолиши ҳеч гап эмас.

МУНОЖАТ ЯПОНИЯНИ РОМ ЭТДИ

Аичи префектурасида «ЕХРО — 2005» халқро кўрғазмаси доирасида Глобал ҳамоханглик концерти бўлиб ўтди. Унда кўрраи замнинимиздаги уч асосий ди-наконфессияга мансуб халқро чолғу асбоблари намойиш этилиб, куй — кўшиқлар янгради.

Халқлар тароналарини ижро этган мазкур анжуманда Муножат Йўлчиева бошчилигидаги «Мақом» ансамбли иштирок этди.

Мамлакатимиз вакилларининг мазкур тадбирдаги иштироки япониялик мусика шинавандалари томонидан қизгин кутиб олинди. Карнай-сурнай, най ва гижжа нолалари минглаб томошабинлар қалбини ларзага солди.

«ЕХРО — 2005» Халқро кўрғазмаси Япония ассоциацияси Бош қотиби Тоширо Накамура мамлакатимиз кўшиқчилик санъатига юксак баҳо бераар экан, мазкур анжуман жаҳон халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада жипслаштиришга хизмат қилишини маълум қилди.

— Биз ушбу анжуманда турли конфессияларга мансуб халқлар тароналари орқали «ЕХРО — 2005» халқро кўрғазма-

сининг бош мавзуй бўлмиш жаҳонда ўзаро ҳамоханглик ва муштарак мақсадлар сари ҳамкорликка даъват руҳини ифода этмоқчи бўлди. Мамлакатингиз вакиллари мусулмон дунёси халқлари куй ва кўшиқларини танитириш учун ягона муносиб номзод сифатида топилди. Чунки Ўзбекистон Шарқ ва Фарбни бирлаштирган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган тарихий бир гўшадир.

— Бугун биз яна бир бор мусика чегара билмайди, маданиятлар ва тиллар ўртасидаги фарқларни тан олмайди, деган нақлнинг гувоҳи бўлмоқдамиз, — деди «Far Eastern Industries» корпорацияси президенти, Марказий Осиё мамлакатлари павильони мувофиқлаштирувчиси жаноб Миччиоро Хамано.

М.Йўлчиева бошчилигидаги «Мақом» ансамбли «ЕХРО — 2005» Халқро

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, телефон: 138-13-16, 138-14-94; қурилиш ва маркетинг бўлими.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда қабул қилинади (Телефонлар: 139-23-60; 139-23-80 инвестициялар бўлими).

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охири мuddати — 2005 йил 30 май соат 15.00.

Оферталарни очиб «Ўзбектелеком» АҚнинг мажлислар залида — Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда (7-қават) ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, телефон: 138-13-16, 138-14-94; қурилиш ва маркетинг бўлими.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда қабул қилинади (Телефонлар: 139-23-60; 139-23-80 инвестициялар бўлими).

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охири мuddати — 2005 йил 30 май соат 15.00.

Оферталарни очиб «Ўзбектелеком» АҚнинг мажлислар залида — Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда (7-қават) ўтказилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 28-уйда жойлашган «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида металл тўсиқ ўрнатиш иншооти бўйича

ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қурилиш ишлари иншоот бўйича пудрат шартномаси имзолангандан сўнг — 45 кун мuddати билан белгиланади.

Буюртмачи — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун корхона ва ташкилотлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қарорнома-масига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, телефон: 138-13-16, 138-14-94; қурилиш ва маркетинг бўлими.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда қабул қилинади (Телефонлар: 139-23-60; 139-23-80 инвестициялар бўлими).

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охири мuddати — 2005 йил 30 май соат 15.00.

Оферталарни очиб «Ўзбектелеком» АҚнинг мажлислар залида — Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уйда (7-қават) ўтказилади.

«Toshkent shahar dori-darmon» ДООБнинг 2005 йил 1-январига бўлган

баланс ва молиявий ҳисоботи

2005 йилнинг 1-январига баланс (минг сўм) 2005 йилнинг 1-январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

АКТИВ		ПАССИВ			
1	Асосий маблағлар қолдиқ қиймати	402690	1	Сотилган товарлардан тушум	990499
2	Номоддий активнинг қолдиқ қиймати	-	2	Сотилган махсулотларнинг таннарихи	886469
3	Узоқ мuddатли сармоялар	1129	3	Янги даромад	205016
4	Ишлаб — чиқариш заҳиралари	-	4	Шу даврдаги харажатлар	162689
5	Тайёр махсулот	387835	5	Умумхўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси	42327
6	Ўл маблағи	11014	6	Фойда (даромад)солиғи	41003
7	Бошқа активлар	1030472	7	Бо	

*Футбол*

**ТЕРМА ЖАМОАМИЗ— МОСКВАДА**

Жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг иккинчи босқич биринчи давра беллашувларида муваффақиятсиз иштирок этиб бор-йўғи бир очко жамбарган Ўзбекистон терма жамоаси ҳозирда гуруҳда энг куйи погонани эгаллаб турибди.

Июнь ойида бошланадиган иккинчи босқич баҳсларининг иккинчи даврасига кизгин тайёргарлик куришни ўз олдига мақсад қилиб қуйган терма жамоамиз аъзолари ўқув машғулотларини аллақондан бошлаб юборишди. Қувонарли жиҳати шундаки, КЕЧА Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Равшан Хайдаров етакчилигида Россия пойтахти Москва шаҳрига жўнаб кетишди. Эътиборли томони терма жамоамиз аъзолари Москва шаҳрида бир hafta давомида машғулотларда иштирок этишади ҳамда Ярославнинг «Шинник», Москванинг «Торпедо» жамоалари билан назорат учрашувида куч синашишади. Дарвоқе, маълумотларга қараганда машғулот йиғинларига Виктор Карпенко ва Улуғбек Бақовлар ҳам таклиф этилган.

**ХАЛҚАРО РУХСАТНОМАЛАР БЕРИЛАДИ**

Юртимизда миллионлар ўйини — футболнинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан болалар футболнинг юксалишига, бу борада қилинаётган ишлохотларга боғлиқ. Шу босми, кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан футбол жамоалари мураббийлари иштирокида тез-тез ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Кунги кеча шаҳримизда «С» лицензияси учун мураббийлар халқаро ўқишлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан уюштирилган ушбу малака ошириш курсларида мамлакатимиз энг 20 нафар болалар жамоалари билан ишлайдиган мураббийлари футбол олами янгиликларидан хабардор бўлишди. Дарвоқе, Хиндистон ва Эрондан ташриф буюрган вакиллар иштирокида ўтказилган ўқув машғулотининг назарий дарслари «Гранд Мир» меҳмонхонасида ташкиллаштирилган бўлса, амалий дарслар «Яккасарой» спорт мажмуида олиб борилди. ФИФА йуриқчиси Рустам Акрамов раҳбарлик қилган ушбу машғулотлар катнашчилари бўлиши мураббийларга халқаро рухсатномалар берилади. Ушбу рухсатномага эга бўлган мураббийлар Осиё китъасининг барча давлатларида болалар мураббийси сифатида фаолият юритишади. (Ўз мухбиримиз)

**ФРАНЦИЯДА КЎРГАЗМА**

Лавор шаҳри Франция жанубида жойлашган Тари вилаетининг маъмурий маркази бўлиб, сайёҳларнинг сеvimли масканларидан биридир. Бу ерда биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси лаворликлар ва шаҳар меҳмонлари учун унутилмас воқеа бўлиб қолди.

— Шаҳримизда бундай ажойиб кўргазма ташкил қилинганидан мамнунмиз, — деди тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Франция парламенти де-

путати, Лавор шаҳри мэри Бернар Карайон. — Яқинда «Франциядаги Ўзбекистон дўстлари» уюшмаси таклифига биноан Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек замани жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканига гувоҳ бўлдим.

Юртимизнинг қадим тарихи ва бой маданиятини ўзида мужассам этган мазкур кўргазмада намойиш этилган кулчилик, сўзана, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, зардўзлик ва миниатюра санъати намуналари мухлисларда кат-

та қизиқиш уйғотди.

— Кўргазма катта муваффақият қозонди, десам муболага бўлмайди, — дейди Лавор шаҳри мэрининг ўринбосари Мишел Гипуй. — Катта маҳорат билан ишланган экспонатлар, айниқса, сўзана ва сопол бюмларнинг рангли жилоси мени ҳайратга солди. Кўргазмага нафақат шаҳримиз, балки бутун вилаетимиз аҳолиси ва кўп сонли сайёҳлар ташриф буюришди.

Ғайрат ШУКУРОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Париж.

*Наботой оламида*

**УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ҚАЧОН ХОНАКИЛАШТИРИЛГАН?**

Инсоният тарихида ҳаммаси бўлиб 60 та сут эмизувчи, 10-12 та қушлар тури, ҳашаротлар синфидан атиги асалари, тут ва эман ипак курти қўлга ўргатилган. Шунингдек, лок олиш мақсадида Хиндистонда 3-4 минг йил аввал Мексика кошенили ва червеци номли жиниворлар хонакилаштирилган.

Умуман олганда ҳайвонларни қўлга ўргатиш бундан 10-15 минг йил аввал бошланган. Бу даврга келиб одамлар тарқоқ ҳолатдан ўтроқ бўлиб яшашга ўтганлар ва деҳқончилик билан шугуллана бошланганлар. Кишилик тарихининг турли давларида сўқоқ, гепард, туякуш, турна ва тимсоҳ қабила ҳам қўлга ўргатилган. Буларнинг барчаси бизнинг давримизга етиб келмаган. Масалан, гепарддан баъзи бир халқлар овчилик мақсадида фойдаланганлар.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш ўчоқлари илк бор Яқин Шарқ ва Шарқ олди мамлакатларида пайдо бўлган. Бу борада Марказий Осиё ҳудуди ҳам эски марказ ҳисобланади.

Ҳозирги қорамоллар келиб чиқишига кўра хўкисимонлар ва буйволлар гуруҳига бўлинади. Хўкисимонлардан ҳақиқий шохли моллар биринчи бўлиб Осиёда бундан 8 минг йил муқаддам, кейинчалик Европада (5-6 минг йил аввал) хонакилаштирилган.

Эчкилар эраимиздан 10 минг йил илгари қўлга ўргатилган. Уларнинг ёввойи аждодлари-

дан бири бурама шохли эчки хозирги вақтда Ўзбекистон жанубида Кўхитог тоғида яшайди.

Қўйларни қўлга ўргатиш эраимиздан 9 минг йил аввал амалга ошган, уларнинг муфлон ва архар каби аждодлари хозирги вақтда ҳам яшайди. Архар Ўзбекистон ва Қирғизистон тоғларида тарқалган.

Отлар 6-7 минг йил аввал қўлга ўргатилган. Ҳозир табиатда уларнинг фақат ёввойи хили — Пржевальский оти Мўғилистон чўлларида учрайди, иккинчи хили — Тарпан XIX аср охирида қириб тугатилган.

Ёввойи эшаклар эраимиздан 9-8 минг йил аввал қўлга ўргатилган, ҳозир улар Эфиопия ва Сомали мамлакатларида учрайди ва давлат томонидан қўриқланади.

Туялар дастлаб Шимолий Америкада пайдо бўлган, 5-5,5 минг йил аввал хонакилаштирилган. Фақат бир ўрқачлиси ўргатилган, икки ўрқачлиси ёввойи ҳолда Мўғилистон чўлларида учрайди.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,  
биология фанлари  
доктори

Кейинги вақтларда юртимизда экологик журналистиканинг нуфузи ва таъсири ортганлиги кузатишмоқда. Аммо шунга қарамадан табиати муҳофаза қилиш мавзуларидаги нашрлар ҳаётимизда ёрқин ва эсда қоларли воқеага айланмаган. Кенг жамоатчиликда таассурот уйғотган ҳамда маъмуллар ва корхоналар раҳбарларининг таъсирчан амалий ҳаракатларини келтириб чиқариш даражасига ҳали етиб боргани йўқ. ОАВ даги чиқишлар ҳар доим ҳам ўзининг мазмуни ва шаклига кўра тўхталиб ўтилаётган масалаларнинг муҳимлиги ҳамда мураккаблигига жавоб беравермайди. Тахририятларда экологик мавзуларга иктисослашган ва бунинг учун зарур тайёргарликларга эга бўлган журналист кадрлар етишмаслиги сезилмоқда.

*Анжуманлар*

**ЭКОЖУРНАЛИСТИКА МИЛЛИЙ ТАНЛОВИ**

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг мажлислар залида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Урта Осиё бешинчи экологик журналистика фестивали тадбирлари доирасида миллий танловлар бошланишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда БМТнинг ривожланиш дастури, ОБСЕ, Фридрих Эберт жамғармаси, Конрад Аденауэр жамғармаси, NPM ва бошқа халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

— Табиий муҳитга антропоген таъсир йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Бўри Алихонов. — Ҳукуматимиз, халқаро ташкилотлар ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларига қарамадан Ўзбекистонда экологик вазият мураккаблигига қолмоқда. Ҳозирда табиати муҳофаза қилиш фаолиятига жамиятимизнинг барча вакиллари жалб этмасдан туриб сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш қийинлиги янада равшан бўлиб бораётди, экологик журналистика бунга кўмаклашиши мумкин ва лозим. Эколог журналистларнинг вазифаси ўткир экологик муаммоларни кўтариш, ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган барча оқилона ташаббусларни қўллаб-қувватлаш билан уйғунликда, аҳолини улар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишдан иборатдир. Умид қиламизки журналистларимиз ўзларининг мақолалари, эшиттиришлари ва кўрсатувлари, суратли лавҳалари билан бу ишда сидқидилдан

ёрдам берадилар.

Марказий Осиё мамлакатларининг экологик ташкилотлари, экологик журналистика соҳасидаги минтақавий фестивални 2001 йилдан бери ўтказиб келмоқдалар. Ўзбекистон ОАВ ходимлари мазкур фестивалда 2002 йилдан бошлаб қатнашиб келяпти. Ўзбекистон экологий тўғрисида мақолалар, видеофильмлар ва радиоэшиттиришлар доимо минтақавий фестиваль сочиндорлари қаторидан жири олган.

Ушбу фестиваль БМТ ривожланиш дастурининг Европа ва МДХ бўйича Минтақавий марказининг молиявий кўмагида, ОБСЕ билан ҳамкорликда «Экология ва хавфсизлик» дастури орқали ўтказилмоқда. Илмий босқични биргаликда молиялаштириш «Глобал сув ҳамкорлиги» халқаро ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрга қадар бўлиб ўтадиган миллий танловга матбуот, телевидение ва радионинг асосий номинатсиялари, шунингдек суратли лавҳа ва ННТнинг энг яхши экологик нашрларининг махсус номинатсиялари қабул қилинади.

Октябрь ойининг бошида ҳайъат аъзолари миллий танловни яқунлайди ва Алмати шаҳрида бўлиб ўтадиган фестивалнинг финал босқичи қатнашчиларини аниқлайди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси вакиллари, Ўзбекистондаги фестивалнинг миллий мувофиқлаштирувчилари, мамлакатимиздаги етакчи эколог журналистлар сўзга чиқдилар. Гулчехра ДУРДИЕВА



— Йўқ, олдин сақич кейин боғча.

Абдураул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир  
АКМАЛ АКРОМОВ**

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳаҳим — 2 босма раёқ офсет  
узунда босилди.  
3868 нусхада босилди. Қўғоғи бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га  
— 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси  
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й.